

**КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ  
АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ АХАМИЯТИ**  
**Низомий номидаги ТДПУ “Касб таълими методикаси”  
кафедраси мудири в.б., п.ф.н., доц. О.А.Қўйсинов,  
НамМПИ ўқитувчиси Ж.А.Маннонов**

Касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш, уларнинг ўз-ўзини ривожлантириб бориш шароитида фаолият юритиш жамият ривожида асосий куч хисобланган етук мутахассисларни тайёрлаш масаласига ижобий ёндошувни талаб қиласди. Мустақил таълим олиш жараёнини фаоллаштириш, талабаларда мустақил таълим олишга бўлган интилиш, мавзуга оид маълумотларни интернет орқали излаш, ўқиб ўрганиш, мустақил таълим олиш қўникма ва малакаларини шакллантириш зарурлиги таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги таҳлил қилинди. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш амалий касбий фаолиятлари жараёнида турли технологик операцияларни бажариш жараёнида муҳим ахамият касб этади. Жумладан Қирқиши чилангарлик тайёрлов операцияси бўлиб, унинг моҳияти профил ёки лист материалдан қирқувчи асбоб ёрдамида заготовка қирқиб олишдан иборат. Касб таълими практикуми дастурида қирқишининг қуидаги турлари: дастаги чилангарлик арраси билан қирқиши, дастаги ричакли қайчилар билан қирқиши, трубани қирқич билан қирқиши усулларни бажаришни ўрганиш кўзда тутилади. Дастаги арра билан қирқаётгандарни талабалар ўзларига маълум бўлмаган усулларга дуч келадилар. Уларни бажариш учун эса уларни яхшилаб ўрганиб олиш зарур. Дастурга кўра, қирқиши мавзусини одатда, эговлаш мавзусидан олдин ўрганиш кўзда тутилади. Мавзунинг ўкув вазифалари унинг ўкув мазмунидан келиб чиқади. Улар қуидагилардан иборат: талабаларни арра дастгоҳини тўғри йиғишига ўргатиш, профили пўлат ва трубаларни арра билан қирқиши усулларини тўғри бажаришга ўргатиш. Трубаларни труба қирқич билан қирқиб бўлишга ўргатиш.

Ушбу жараёнларда содир бўладиган амалий фаолиятлар ва хатоликлар, уларни ечиш йўллари қуидагича қўриниш олади.

Талабалар мустақил ишлашларида содир бўладиган хатолар	Амалий машғулот жараёнида содир бўладиган хатолар сабаблари	Ўз-ўзини назорат қилиш ва хатоларни тузатиш йўллари
--	---	---

*Пўлат листини тискига маҳкамлаб қўйиб кесиши*

Деталнинг қирраси эгри кесилган	Детал тискига бўш қисиб қўйилган	Детални тискига маҳкам қисиши Загатовкани тўғрилаб қўйиш
Кесиб олинган деталнинг томонлари параллел эмас	Загатовка тискида қийшайиб кетган.	
Детал қирраси	Режалашда чизик қийшик чизилган.	Хато чизилган чизиқни

йиртилган	Кесаётгандың болға катта күч билан урилған. Кесиши пайтида зубилони оғдириш бурчаги кичик бўлған. Ўтмас зубло ишлатилған	тўғрилаш Болғани бир меъёрда уриш
-----------	--	--------------------------------------

### *Aриқчалар кесиб ўйши*

Ариқчаларнинг қирраси «йиртилган» Ариқчанинг чуқурлиги унинг узунлиги бўйича бир хил эмас Ариқчанинг боши ва охири синган	Ўйища юқорисига томон ингичкалашган крейц-мейселдан фойдаланилмаган Кесиши жараёнида крейц-мейсел нотўғри ўрнатилған (бурчак тавсия этиладиганидан катта ёки кичик бўлған) Деталда фаска кесилмаган	Крейцмейселдан фойдаланиш технологиясини тўғри қўллаш
---	---	---

### *Кенг юзадан металл қатламини кесиб олиш*

Кесилган юзада дағал (кўпол) «ўйиқлар» ва «кесиклар» бор Деталь қирралари синган	Кесишида ўтмас зубло ишлатилған. Кесишида зубло нотўғри ўрнатилған. Кесиши жараёнида болға бир меъёрда урилмаган Деталда фаска кесилмаган	Зубилони белгиланган йўриқнома асосида ишлатиш
--	--	--

### *Лист, полоса ва чивиқ пўлатни плита устида кесиши*

Кесилган деталнинг қирраси эгри Кесилган деталнинг қирраси кўпол «кесилган» ва синган	Детал эгри режаланған. Кесиши режа чизиқ бўйича бажарилмаган. Зублонинг тифи режа чизиққа нотўғри қўйилған. Кесишида ўтмас зублодан фойдаланилған. Зубло нотўғри чарҳланған—тифи думалоқ эмас, балки тўғри чизиқлидир. Кесишида болға кучсиз урилған.	Эътиборли бўлған ҳолда ишни бажариш Ўtkir зубилодан фойдаланиш Болғани бир меъёрда уриш
---	---	---

Ўқув уста кесишининг асосий ўрнатиш усусларини қуйидаги жадвалда кўрсатилған изчилликда кўрсатиб ва тушунтириб беради. Усусларни кўрсатиб бериш вақтида, тайёрлаб қўйилған кўргазмали куролдан ёки электрон дарсликлардаги типик хатолар жадвалидан фойдаланиш лозим.

Дарс охирода ўқув устаси кесишининг асосий усуслари қандай ўзлаштирилганлигини таҳлил қиласи: талабаларнинг энг характерли хатоларини кўрсатади, уларнинг сабаблари ва олдини олиш чоралари борасида сўзлайди. Амалий фаолиятлари натижаси сифатида касбий компетентлик даражалари шакланганлиги мустақил ишлаш асосида ривожланганлиги таҳлил қилинади.